


ISSN 2181-5534

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ и ФАРМАКОЛОГИЯ



№ 3 / 2025

СОДЕРЖАНИЕ

1. АБДУЛЛАЕВА М.Н., ЖАББОРОВ У.У. ВЛИЯНИЕ ВНУТРИМАТОЧНОЙ ТРАНСФУЗИИ ПЛОДУ НА ПОКАЗАТЕЛИ ЦИТОКИНОВОГО СТАТУСА НОВОРОЖДЁННОГО8
2. АДИЛОВА Н.О., КУРБАНОВ А.К. АРТЕРИЯЛАРНИНГ АТЕРОСКЛЕРОТИК ШИКАСТЛАНИШЛАР ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ГЕМОДИНАМИК БУЗИЛИШЛАРНИ ЭПИКАРДИАЛ ЁҒ ТЎҚИМАСИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЎЗГАРИШЛАРИ МАНЗАРАСИ....14
3. ALIBEKOV SH.O., VALIYEVA M.YU. OIV INFEKTSIYASIDA KOMORBIDLIKNING XUSUSIYATLARI22
4. АЛИМХОДЖАЕВА Н.Т. ФУНКЦИИ ФЕРМЕНТОВ В ОРГАНИЗМЕ ЧЕЛОВЕКА И ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В ЛЕЧЕНИИ ЗАБОЛЕВАНИЙ.....25
5. АХМЕДОВА М.Д., ИБРАГИМОВА Ф.А. ҲОМИЛАДОРЛАРДА СУВЧЕЧАКНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИ32
6. АХМЕДОВА Н.М., ИСМОИЛОВ С.Р. ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АНТИБАКТЕРИАЛЬНЫХ СРЕДСТВ, ПРИМЕНЯВШИХСЯ У ПАЦИЕНТОВ С ХРОНИЧЕСКИМ ПИЕЛОНЕФРИТОМ В НЕКОТОРЫХ СТАЦИОНАРАХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ37
7. АШУРОВА С.Б., РАХМАТОВА З.Р., ХАИТОВА Н.Н. ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ПРОБИОТИЧЕСКОГО ПРЕПАРАТА, СОДЕРЖАЩЕГО SACHAROMYCES BOULARDII, НА МИКРОБИОЦЕНОЗ КИШЕЧНИКА ПРИ ОСТРОЙ ИНФЕКЦИОННОЙ ДИАРЕЕ У ДЕТЕЙ45
8. БАБАДЖАНОВА Ш.А., КУРБОНОВА З.Ч., АБДУЛЛАЕВА Н.К., ЗИЯМУТДИНОВА З.К. СОВРЕМЕННОЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЕ РОЛИ ИММУННЫХ ФАКТОРОВ В РАЗВИТИИ МЕГАЛОБЛАСТНОЙ АНЕМИИ (КРАТКИЙ ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ)51
9. БАЙЖАНОВА К., ХИКМАТУЛЛАЕВА А.С., БРИГИДА К.С., ТУРАЕВА Ч.Б. HBV ВА HCV ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ОНКОМАРКЕРЛАРНИ АНИҚЛАШ ОРҚАЛИ ГЕПАТОЦЕЛЛЮЛЯР КАРЦИНОМАНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ АЛГОРИТМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ57
10. БАЙЖАНОВ А.К., ХИКМАТУЛЛАЕВА А.С., БРИГИДА К.С., ТУРАЕВА Ч.Б. ЎЗБЕКИСТОНДА ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРНИНГ ОҚИБАТИ СИФАТИДА РИВОЖЛАНГАН ГЕПАТОЦЕЛЛЮЛЯР КАРЦИНОМАНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ68

УДК: 618.3-002:616.915-036.22

ҲОМИЛАДОРЛАРДА СУВЧЕЧАКНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахмедова Муборахон Джалиловна¹,
Ибрагимова Фотимахон Адхамовна²

¹Тошкент тиббиёт академияси, ²Euro Lifecare Private Ltd.
tmainfection@mail.ru

Долзарблиги. Замонавий босқичда катталар ўртасида сувчечак билан касалланиш даражаси 100 000 аҳолига нисбатан 300 тадан 800 тагача ва ундан ортиқ бўлса, болаларда эса 100 000 болага нисбатан 7000 тани ташкил этади. Одатда сувчечак енгил кечишга эга, фақатгина маълум бир хавф гуруҳларида оғир ва асоратли кечади. Бундай гуруҳларга ҳомиладорлар ҳам киритилган. Ҳомиладор аёлнинг сувчечак билан касалланган шахс билан контактда бўлиш хавфи юқори ҳисобланади ва 12–24% деб баҳоланади. Аммо популяцияда серопозитивлик даражаси юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳомиладорлар орасида касаллик ривожланиш даражаси 1000 та ҳомиладорликка 0,1–3 ҳолатни ташкил этади [1; 2; 3; 4]. Адабиётларда ҳомиладорларда сувчечакни кечиш хусусиятлари тўлиқ ёритилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида (ЎЗР) сўнгги йилларда сувчечак билан касалланиш даражасини баҳолаш, ҳомиладорларда сувчечакни клиник кечиш хусусиятлари ва коагулограмма кўрсаткичлари ўзгаришини ўрганиш бўлди.

Материал ва усуллар: тадқиқот мақсадини бажариш учун ЎЗР да сўнгги ўн йилларда сувчечак билан касалланиш даражасини ўрганиш мақсадида Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматидан 2012-2021 йиллардаги сувчечак билан касалланиш бўйича олинган расмий маълумотлар ретроспектив таҳлил қилинди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида 2021-2024 йиллар оралиғида сувчечак ташхиси билан даволанган 117 нафар ҳомиладорларнинг проспектив тадқиқоти (ҳолат-ҳолат) ўтказилди. Ҳомиладорларнинг ўртача ёши $32,2 \pm 1,3$ бўлди. Тадқиқотнинг объектини Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматидан 2012-2022 йиллардаги сувчечак билан касалланиш ҳақидаги олинган расмий маълумотлар; 2021-2024 йиллар оралиғида сувчечак ташхиси билан даволанган 117 нафар ҳомиладорлар бўлди. Тадқиқотнинг предметини беморларнинг қон зардобини ташкил этди. Сувчечакнинг этиологик оми-

ли ИФТ усули ёрдамида тасдиқланди, бунда беморлар қон зардобида *anti Varicella-zoster virus IgM* аниқланди. Қон таҳлили учун намуналар беморлар шифохонага ётқизилганидан кейинги кун эрталаб, оч қоринга олинди. Умумий қон, нажас ва пешоб таҳлили билан бир қаторда қуйидаги коагулограмма кўрсаткичлари ҳам баҳоланди: протромбин индекси (ПТИ), фаол қисман тромбопластин вақти (АЧТВ), фибриноген даражаси, D-димер, тромбин вақти (ТВ), анти-тромбин III, шунингдек, гематокрит ва тромбоцитлар даражаси.

Тадқиқотда олинган натижаларга тиббий статистика калькулятори (medstatistic.ru/calculators) ёрдамида статистик ишлов берилди. Бунда белгиларнинг учраш эҳтимоли, яъни имкониятлар нисбати (OR) 95% ишонч интервалида (CI) ўрганилди ҳамда ишончлилик даражаси тўрт майдонли жадвал ёрдамида: ИН 5 гача бўлган ҳолатлар Фишернинг аниқ мезонида, 5,1-10 гача қиймат Йейтс тузатиши билан χ^2 , 10,1 дан юқори қиймат χ^2 да баҳоланилди. Гуруҳлар ўртасидаги белгиларнинг ишончли фарқи Стью-дент мезонида (P) баҳоланилди.

Олинган натижалар: Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматидан сўнгги 2012-2021 йилларда сувчечак билан касалланиш ҳақидаги олинган расмий маълумотлар таҳлил қилинди, таҳлил натижасига кўра, ЎзР да сувчечак билан касалланиш даражасининг энг юқори қиймати 2018 йилда кузатилган (100 минг аҳолига нисбатан 27,8 та ҳолат), 2012 йилда (14,5) касаллик 2018 йилга томон кўта-

рилиб борган ҳамда 2018 йилда 2012 йилдан нисбатан касалланиш даражаси 1,9 баробарга кўтарилган.

2019 йилда сувчечак билан касалланиш даражаси олдинги йилга нисбатан 1,6 баробарга кескин камайган, 2020 йилда эса ушбу қиймат 7,4 ни ташкил қилган ҳамда ўрганилаётган йиллардаги энг паст қийматни ташкил қилган. 2021 йилга келиб сувчечак билан касалланиш даражаси кескин 2,5 баробарга кўтарилган ҳамда 100 000 аҳолига нисбатан 18,4 та ҳолатни ташкил қилган (1-расм).

1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2012-2021 йиллар оралиғида сувчечак билан касалланиш даражаси (100 000 аҳолига нисбатан интенсиф кўрсаткич)

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биз, тадқиқотга киритилган беморлар гуруҳида касалликнинг клиник белгилари ва лаборатор натижалари ўрганилди, ҳомиладорлар касалхонага асосан терига тошма тошиши (100,0%), иситма (100,0%), иштаҳа пасайиши (100,0%), кўнгил айниши (12,8%), қайт қилиш (6,8%), 23,9% да яна бош оғриши, 50,4% уйқу бузилиши шикоятлари билан мурожаат қилган. Ҳомиладорларнинг асосий қисмида (82,1%) сувчечак ўртача оғирликда кечган бўлса, 17,9% (21 нафар беморда) оғир кечиш ҳолатлари кузатилди, ҳомиладорларга касалликнинг энгил шакли хос бўлмади. Касалликнинг оғирлик шаклига мувофиқ равишда шикоятлар таҳлил қилинганида, кўнгил айниши кузатилган 15 нафар беморларнинг 12 нафарида касалликнинг оғир шакли ташхисланган бўлиб, сувчечакни оғир шаклида кўнгил айниш

шикоятини учраш эҳтимоли ўртача оғирликда кечишга нисбатан 41 марта ($OR=41,3$; $95\% CI=9,8-174,1$; $P>0,001$), қайт қилиш шикояти кузатилган 8 нафар беморларнинг барчаси, бош оғриши кузатилган 28 нафар беморларнинг 20 нафар ҳомиладорларда сувчечакнинг оғир шакли ташхисланган бўлиб, ушбу беморларда бош оғришини учраш эҳтимоли 220 марта ($OR=220,0$; $95\% CI=26,1-1860,0$; $P>0,001$) кўп бўлди. Уйқу бузилиши кузатилган 59 нафар беморларнинг 20 нафарида ҳам сувчечакнинг оғир шакли ташхисланган бўлиб, касалликнинг оғир кечишида уйқу бузилиши белгисини учраш эҳтимоли 29 марта кўп бўлди ($OR=29,2$; $95\% CI=3,8-226,9$; $P>0,001$).

Тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг лаборатория натижалари тахлил қилинганида, кузатувдаги барча беморларнинг умумий қон тахлилида (100,0%) камқонликнинг белгилари аниқланди ҳамда гемоглобин миқдори ўртача $94,3\pm 1,7$ г/л бўлди. Шунга боғлиқ равишда тадқиқот гуруҳи беморларида эритроцит ($3,4\pm 0,28 \cdot 10^{12}/л$) ва ранг кўрсаткичи (0,8 бўлди) қийматлари ҳам паст бўлди. Касалликнинг ўртача оғир шаклида гемоглобин қиймати ўртача $102,2\pm 2,43$ г/л ни ташкил этган бўлса, касалликнинг оғир шакли кузатилган ҳомиладорларда $85,8\pm 1,52$ г/л бўлди ҳамда гуруҳлар орасидаги фарқ ишонарли равишда бўлди ($P>0,001$). Умумий қон тахлилида қолган кўрсаткичлар бўйича қийматларнинг меъёрдан ишонарли равишда силжиши аниқланмади.

Коагулограмма кўрсаткичлари тахлил қилинганида, ҳомиладорларда оғир кечаётган сувчечакда қуйи-

даги коагулограмма кўрсаткичлари аниқланди: фибриноген даражаси – $4,3\pm 0,04$ г/л, D-димер – $493,4\pm 21,3$ нг/мл, ПТИ – $115,4\pm 13,2\%$, АЧТВ – $24,3\pm 2,1$ сония, ТВ – $15,2\pm 0,98$ сония, антитромбин III даражаси – $81,2\pm 2,2\%$. Ўртача оғирликдаги ҳолатда бўлган аёлларда фибриногеннинг ўртача даражаси $3,9\pm 0,1$ г/л ни ташкил этди, бу кўрсаткич оғир ҳолатдаги беморларга нисбатан статистик жиҳатдан ишонарли даражада паст бўлди ($P<0,001$). D-димер концентрацияси ҳам ишонарли даражада паст бўлди ($324,9\pm 23,3$ нг/мл; $P<0,001$). ПТИ кўрсаткичи касаллик оғирлигидан қатъи назар меъёр чегарасида қолди ($95,3\pm 11,1\%$) ва гуруҳлар орасида ишонарли фарқ аниқланмади. АЧТВ кўрсаткичи оғир кечаётган ҳолатда ($28,7\pm 3,6$ сония) ўртача оғирликдаги ҳолатга нисбатан паст бўлди, лекин бу фарқ статистик жиҳатдан ишонарли бўлмади ($P>0,05$). Тромбин вақти ҳам барча гуруҳларда меъёр чегарасида бўлди ($16,6\pm 0,1$ сония), шунингдек, антитромбин III бўйича ҳам шунга ўхшаш тенденция кузатилди ($88,3\pm 4,1\%$).

Муҳокама. Адабиётлар шарҳига кўра, замонавий босқичда катталар ўртасида сувчечак билан касалланиш даражаси 100 000 аҳолига нисбатан 300 тадан 800 тагача ва ундан ортиқ ҳолатни ташкил этса, болаларда эса 100 000 болага нисбатан 7000 тани ташкил этади, Ўзбекистон Республикасида ушбу кўрсаткич 100 000 аҳолига нисбатан ўртача 17,4 тани ташкил қилади ҳамда йиллар кесимида ўрганилганида 2012 йилдан 2018 йилгача сувчечак билан касалланиш даражаси 1,9 баробарга кўтарилган, аммо кейинги

йилларда эса кескин камайган ҳамда 2020 йилда 100 000 аҳолига нисбатан ўртача 7,4 та ҳолатни ташкил қилган. Шунини маълум қилиш керакки, 2020 йилнинг март ойидан Ўзбекистон Республикасида COVID-19 инфекциясининг пандемияси ҳисобига Lockdown эълон қилинганди ҳамда қатъий карантин чоралари ярим йил давомида сақланиб турилганди, аҳолини уйда ўтириши, бегоналар билан алоқада бўлмаганлиги, одамларнинг катта миқдорини тўпланмаслиги буларни барчаси сувчечак билан касалланиш даражасини ҳам камайтирди. Қатъий карантин чоралари енгиллаштирилганидан кейин эса сувчечак билан касалланиш даражаси яна қайтадан кўтарилди бошлади ва ўз долзарблигини ҳозирги кунга келиб ҳам сақлаб турибди.

Ҳомиладорларда сувчечак 17,9% ҳолатларда оғир шаклда кечиби, касалликни оғир шаклда уйқу бузилиши, бош оғриши, кўнгил айнаши ва қайт қилиш белгиларини учраш эҳтиоли ўртача оғир шаклга нисбатан ишонарли равишда юқори. Хусусан, бош оғриғи ва қайт қилиш каби белгилар оғир кечиш учун юқори башоратловчи аҳамиятга эга бўлиб, ушбу белгилар кузатилганда сувчечакнинг оғир шаклини тахмин қилиш мумкин.

Лаборатор таҳлиллардан маълум бўлдики, барча беморларда камқонлик аниқланган бўлиб, гемоглобин миқдори ва эритроцитлар сони ишонарли даражада паст бўлган. Бу ҳолат касалликнинг оғир шакли билан боғлиқ бўлиб, гемоглобин даражаси $85,8 \pm 1,52$ г/л гача пасайиши мумкинлиги қайд этилди. Касалликнинг ўрта-

ча оғир шаклида эса ушбу кўрсаткич анча юқори – $102,2 \pm 2,43$ г/л ни ташкил этган. Касалликнинг оғир шаклида бош оғриши, уйқу бузилиши, кўнгил айнаши ва қайт қилиш белгилари учраш эҳтимолини юқориликка ҳомиладорларда оғир кечаётган сувчечак ҳолатида гиперкоагуляцияга мойиллик олиб келади.

Хулоса.

1. Ўзбекистон Республикасида сувчечак билан касалланиш даражаси 2012 йилдан 2018 йилга қадар 1,9 баробарга кўтарилган, аммо кейинги йилларда эса кескин камайган ҳамда 2020 йилда COVID-19 инфекциясининг пандемияси ҳисобига эълон қилинган Lockdown ҳисобига 100 000 аҳолига нисбатан ўртача 7,4 та ҳолатни ташкил қилган, 2021 йилда касалланиш даражаси 2,5 баробарга кўтарилган ва ўз долзарблигини ҳозирги кунга келиб ҳам сақлаб турибди.

2. Ҳомиладорларда 17,9% ҳолатларда сувчечак оғир шаклда кечади, касалликни оғир шаклда бош оғриши, уйқу бузилиши, кўнгил айнаши ва қайт қилиш белгилари учраш эҳтимолини юқориликка ҳомиладорларда оғир кечаётган сувчечак ҳолатида гиперкоагуляцияга мойиллик олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вишнева Е.А., Намазова-Баранова Л.С. Ветрянка прорыва: изменили ситуацию новая схема вакцинации // Педиатрическая фармакология; 2011. 8(6): 20—22.

2. Кузьмина Т.Ю., Тихонова Ю.С., Тихонова Е.П. и др. Особенности ветря-

ной оспы у взрослых //Сибирское медицинское обозрение. 2013; 2: 72—76.

3. Харченко Г. А., Кимирилова О. Г. Течение ветряной оспы у взрослых и детей //Детские инфекции – 2017- №1.-С.56-60

4. Железникова Г.Ф., Лобзин Ю. В., Скрипченко Н. В. И др Клиническое значение сывороточных уровней цитокинов при ветряной оспе у детей // Инфекция и иммунитет. 2015. №1.

РЕЗЮМЕ

КЛИНИЧЕСКОЕ ТЕЧЕНИЕ И ЛАБОРАТОРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ВЕТРЯНОЙ ОСПЫ У БЕРЕМЕННЫХ

Ахмедова Муборахон Джалиловна¹,
Ибрагимова Фотимахон Адхамовна²

¹Ташкентская медицинская академия, ²Euro Lifecare Private Ltd
tmainfection@mail.ru

Ключевые слова: Республика Узбекистан, беременные женщины, ветряная оспа, коагулограмма.

В данной статье представлены результаты исследования, проведенного с применением ретроспективного и проспективного методов. Целью исследования явилась оценка уровня заболеваемости ветряной оспой в последние годы в Республике Узбекистан, изучение клинического течения заболевания у беременных и изменений показателей коагулограммы. В Республике Узбекистан заболеваемость ветряной оспой сохраняет свою актуальность и в настоящее время. У беременных в 17,9% случаев ветряная оспа протекает в тяжелой форме с головной болью, нарушением сна, тошнотой и рвотой. Высокая вероятность появления этих симптомов у беременных обусловлена выявленной у них гиперкоагуляцией.

SUMMARY

CLINICAL COURSE AND LABORATORY FEATURES OF CHICKENPOX IN PREGNANT WOMEN

Akhmedova Mubarakhon Jalilovna¹, Ibragimova Fotimakhon Adkhamovna²

¹Tashkent Medical Academy, ²Euro Lifecare Private Ltd.
tmainfection@mail.ru

Keywords: Republic of Uzbekistan, pregnant women, chickenpox, coagulation profile (coagulogram).

This article presents the results of a study conducted using retrospective and prospective methods. The aim of the research was to assess the incidence of chickenpox in recent years in the Republic of Uzbekistan, study the clinical course of the disease in pregnant women, and evaluate changes in coagulation parameters. In the Republic of Uzbekistan, the incidence of chickenpox remains relevant to this day. In 17.9% of cases among pregnant women, chickenpox occurs in a severe form, accompanied by symptoms such as headache, sleep disturbances, nausea, and vomiting. The high likelihood of these symptoms is associated with the hypercoagulation detected in pregnant women.